

Жамоа жам экан, айни мавридда келибман. Тўйга айтгани келдим: газетамиз 75 ёшга тўлди.

Ҳа, қувончи кунда тўйлиниб кетаркан, киши! Айниқса газетамиз таърих ҳайъатида «Оқшом»чиларини Сиз тўйга айтиш, шу ерда ишлаганингиз» деганида ҳаяжонингиз чекки йўқ эди. Бутун жамоамиз номидан сизларни тўйга айтиш менга топирилганидан қувонмай бўладими!

Кўп ўйга толдим: ҳис-ҳаяжон ҳаётларимга сира тўқчи бермас, кўз олдидан ҳар йили газетамиз завардаст журналистлар, саҳифаларда мангута муҳр ланиб қолган ижодий изла-ниш мақсулотлари ўтавер-ди. Ниҳоят, қаламнинг уч-ни топиб олгандек бўлди. Мени маъмур тутасиз, улар-ни эсламасам, кўнглим тў-майди, юрагим бўшамайди.

Саъдулла Кароматов кўз ўнгимда ҳамон ёрқин сиймо бўлиб гадаланиб турбди. Бир пайтлар «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул котиб бўлганлар. Кўндан-кўп завардаст, қалами қай-роқи журналистлар ҳалигача эслаб юришди: бунақа ўтир масъул котиб газета тарихида кам учраган. Бу-ни қарангиз, «Оқшом» — «Вечерка»ни ташкил этиш ва унга муносиб ҳодимлар-ни ташлаш гоиси айни ўша масъул котиблик палласида турилган экан. Атоқли ёзув-чи Ўткир Қошматов, ҳаттар билан ишлаш устаси Зухра Абдулхўжаева, қалами ўт-кир публицист Алишаров, Эмомназаров, моҳир фель-етончи Усмои Юсупов, одо-ахлок мавзусидаги мақола-ларнинг пир Тўқий Расу-лов, ўз шў соҳаларининг асли фойдаларини Солиҳ Ёқубов, Раҳматилла Сайдуллаев, Махмуд Комилжонов, ахборот «қирол» Абдулла Пулатов, ҳасос устаси Насриддин Муҳаммадиев ва бош-қаларни Саъдулла ака қан-дай нозик дил билан тан-лагани, излаб топганига бу-

гун тасаннолар айтмай бў-лмайди. Мен улардан кейин-ги изланувчан авлод вакил-ларини, ёшларни бу жажжи рўйхатга киритиш имкони йўқлигига уэр сўрайман, албатта.

Қориев, Ориф Юнус, Ҳа-биб Нўмон, Холбек Ёд-горов, Султон Абқарий син-гари қалб ёниқ, дилларида ҳалқнинг қувонч ва ташвиш-лари ҳамиша жўш уриб турган улкан ижодкорлар

«Оқшом» билан «Овоз» ака-ука газеталарига эмас, бутун улар сафдош ҳам де-гим келди. Ўз ўқувчилари қалбига йўл топишдан ҳам улғуғроқ не бор журналист ҳалқи учун? Виламан, касби-

* «Ўзбекистон овози» — 75 ёшда

ТҲЙХАТ



«Ўзбекистон овози»да ҳозир бош муҳаррир ўрин-босари лавозимини эгаллаб турган Тўхтамурод Тошев «Оқшом»да ишлаган кезла-рида суд очерклари, нишон-га урадиган фельетонлари билан машҳур эди.

«Ўзбекистон овози»да ҳа-мон ўша Саъдулла ака, Иброҳим Раҳим, Мақсуд

бошлаб берган анъаналар руҳи давом этаётгани қу-вончи ҳол. Кечаги ютуқдан асло қаноатланмаслик ҳисси устун ижодий жамоамизда. Ҳар сонда бир эмас, бир неча ўқимлиш материал бу-лишига эришиш асосий та-волимиз бўлиб қолди. Кўп чиқишларимиз эл оғзига

миз захматлаб, инжиқ, елиб-югуришни тақозо эта-ди. Аммо тандирдан янги нон узганда новов қанчалик бутун меҳнат аасобларини унутса, журналистлар газе-танинг ҳар янги сонини қў-ла олганларида шундай қу-вонч лаззатини тоғдлар. Бунга эса ҳеч қачон ҳамир-дан қил суғургандай эриши-

маслигини ижод аҳли яхши тушунади. Сафимизда Ис-момил Сулаймонов, Мирша-роф Мухоммов, Жўра Хол-қосимов, Абдулла Пулатов сингари «оқшомчилар» билан бирга Норбоб Шаймаров, Шўхрат Жабборов, Аслид-дин Волев, Норбобил Жа-лил, Умида Файзиёва, Нарим Рихсиев, Хайдар Носиров, Абдунаби Маннопов, Сахо-биддин Сирокиддинов каби ўрта авлод вакиллари ижод-да қуну тун жонбозлик кўр-сатиляпти. Уларнинг қўл-ларидан чиққан сатрларсиз бутунги газетани тасаввур қилиш асло мумкин эмас.

Муҳаррир Ёркин ака, ни-ма аввал бизни мақтаб, ке-ин ўзларинингизни кўз-кўз қилиш учун келдингизми? Тўйга айтганингиз тўқсон оғиз «Сиз булди» деганларидек, тўй баҳона бир дийдорлашиб, дардлашиб олишга келди-нгизми, дерсиз.

Оғиз, қулўнгизга айт-тадиган икки оғиз гапим бор. Владимир Ломовцев, Надежда Панякина, Эль-вира Адайкина, Ольга Хар-ченко ва бошқа «Вечерка»чи ҳамкасбларимизни ҳам тў-йимизга дўтдан таклиф эта-ман, агар улар олдида ўт-сам гапимиз яна чўзалиб кетади.

Газеталаримиз қиз олиб, қиз беришдек «қуда-анда» бўлиб кетишганини ҳеч ким-га айтмай қўя қолдинг, майди. Янгида биздан Машҳура Мирзамухомедовани ишга олибсизлар, сиздан Ёркин Ёсиргадиевни «Овоз»га та-клиф этдик. Бу анъана — ўша Саъдулла ака Раҳмат-лидан қолган умри узоқ анъана. Йилҳом, ҳамиша шундай бўлиб қолсин! Тўй-да қиришгунча, азизларим!

16 йил «Оқшом»нинг ту-зини тоғдан ҳамкасбимиз.

Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози» рў-зомасининг парламент жа-мийати ва ҳуқуқ бўлими му-дир.

СУРАТДА: газетанинг бир гуруҳ ижодкорлари.

В. Молгачев сураги.

Бу кун 2-трамвай саройи хизматчи машинасининг ҳайдовчиси Хусан Бадалов учун қувончли бўлди. Кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ҳаётидаги фавол иштироки, республика автотранс-портини ривожлантиришдаги амалий ёрдами учун унинг кўрагини «Фахрий автотранспортчи» деган нишон беади. Олдин касб эгасига берилган бу муко-фотдан унинг ҳамкасблари ҳам чин дил-дан қувонишди.

* Мини бир касб

КАТТА ЙЎЛ

Хусан ака 34 йилдан бери трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқарма-сида турли кўнгилсиз ҳодисалар оқибат-ларини тугатиш ва таъмирлаш хизма-тида узлуksиз ишлаб келади. У бирор мартаба оғохлантириш олмаган, фақат раҳмат эшитган. Хусан Бадалов шу ер-да уйланди, оилали, бола-чақали бўл-ди. 1-тоифа ҳайдовчиси Хусан ака эса «Хатарсиз 500000» қақрим йўл бо-сан». «Ўз касбининг моҳир устаси»...

Хусан ака Бадалов ана шулар ҳақи-да фикр юритаркан босиб ўтган ма-мунли йўллари кўз ўнгидан ўтди.

...Дуралдорлар Ёрғаш Зокиров, Иван Власовлар қотамгина йитгани ўзларига шогирд қилиб олдилар. Машиналарнинг қувонларини таъмирлаб юрган йитиш иш кунларининг бирда устозидан ҳайдов-чилик курсида ўқиш учун маслаҳат сўради.

— Яхши ўйлабсан, Хусанжон. Ахир ота-боболаримиз «Бир йитганга қирқ ҳунар оз» деб бежиз айтмаган. Хуна-ри кўп роҳатда ишайди. — Ёрғаш ака шогирдига оқ фотиҳа берди.

Хусан ака ўйлаб қараса ўшанга ҳам 34 йил бўлибди. Унга бириктириб қўй-илган ЗИС—5 маркали машинасида Қўйлиқ, Бешқайрағоч, Лисовов ман-зе-ларига оғир темир изларини шатақча олиб юргани, аскарлик бурчини бажар-гани ва яна ўзининг қадрдон даргоҳига қайтиб келганларини мамнулик билан мингидида қўлиб эслади.

Носос техникани тиклаш хизмати икки ўн йилдангача ҳам бўйига, ҳам энгига кенгайди. Ҳозирда 60 та турли типдаги

машиналар аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳар хил йомушларни бажаради.

Хусан ака айни кунларда тонг саҳар-да хизматчи машинасида тибобет ш-ҳарчаси — Алломиш — Алоқа — Чор-су — Самарқанд дарвозаси — Оқтепа — Чилонзор 25-мавзеси атрофида ишо-чи ишчи ва хизматчиларни 2-трамвай саройига йиғиб келади. Унинг иш кўни ана шундай масъулиятли ва ҳайрли.

Меҳнатга муҳаббатни тушган инсон асло кам бўлмайди. Хусан ака ўз фа-люлиятида фақат шу меҳнат тубайли қадрга эришди. Соҳларини қиров босган йўл соҳибини сўхбатга тутди.

Хусан ака ўз ҳамкасбларини ҳурмат билан тилга олди. Аҳад Абдуллаев, Маҳмад Расулов, Файзулла Қўшқов, Ёркин Ёркинов, Мухтор Усмоновлар-дек қадаст ҳайдовчилар бармоқ билан санарли. Уларнинг ажойиб хусусиятла-ри: техникани мустаҳкам сошлаб юриш, ёшларга мураббийлик қилиш, ахлоқ ва одоб ўргатиш устозларнинг кундалик иш дастурида муҳим аҳамият касб этади.

— Шогирдларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Шогирдсиз касб эгаларини мева-сиз дарахга ўшатишди. Тоҳир Ума-ров, Шер Эшмухамедов, Убайдулла Шайхон, Абдурахмон Гуломқодировлар-га ҳаёт қувончларидан баҳраманд бў-лишни, ташвишларини сабр-тоқат билан енгишни ўргатдим. Инсон қайфиятига кўп нарса боглиқ. Ёзаро муомала ҳам, иш унуми ҳам. Ёрталабдан чеҳрангиз-да табассум ўйнаса, кечгача бамисоли қўйшдай ҳаммага нур таратиб турасиз. Менинг шогирдларим ҳам ўзларини доимо самимий тутадилар. Аҳолига юксак хизмат кўрсатиш самарадорли-гини намунали йўлга қўйишга интила-дилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида-ги қийинчиликларни енгиш ҳайдовчи-лик касбинин эгалланганларни ҳам четлаб ўтмади. Айниқса, чилангарлар ишини мушкуллаштириб юборди. Фойдаланиш муудлати тугалланган қолдқа, стартер, генератор, аккумуляторлар яна та-ъмирлашиб, машиналарга қайта ўрнатил-моқда. Бу ишларни амалга оширишда чилангарлар Исрол Тожиқов, Ҳаби-булло Ҳалимовларнинг беазир хизмат-ларини айтмай йлоқ йўқ.

Хусан ака катта ҳаёт йўли ва меҳ-нат жараёнини босиб ўтди. Айни кун-ларда у фахрийлар қаторида касбдош-ларига намуна, ёшларга яқин масла-ҳатгўй ва мураббий.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

* «Камолот—93»

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

«Баҳор» концерт залида Тошкент шаҳар «Камолот —93» ёш икочилар кўрик-танловининг якуновичи бос-қичи бўлиб ўтди. Унда ту-манларда ўтказилган кўрик-танловлардан 14 нафар иштирок этидилар.

Ўзбекистон Ёшлар Итти-фоқи Тошкент шаҳар коми-тетининг биринчи котиби Жаҳонгир Раҳимов ёш икочиларни кўтлаб, улар ўзбек миллий қўшиқчилик санъатининг янада ривонла-нишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб умид бил-дири.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий шoir Жамол Камол сўзи билан айтади-ган буюк ҳофиз Юнус Ра-жабий хотирасига бағишлан-ган қўшиқни икочо этиш бил-дан кўрик-танловни очди.

Кўрик-танлов дастури ик-ки бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир иштирокчи мумтоз ва лирик қўшиқлардан наму-налар икочо этишди. Узоқ беллашувлар, жозибали қў-шиқлардан сўнг ҳакамлар ҳаётининг қарори ўқиб эшиттирилди.

1961 йилда Тошкент ви-лояти Қўйраб туманида та-валлуд тоғган, ҳозирда Бен-темир тумани болалар ва ўс-мирлар уйининг мусика раҳбар Фозилжон САЙДОВ-га биринчи ўрин, 1968 йил-да Андижон вилояти Қўр-ғонтепа туманида туғилган ўсган, Тошкент Давлат консерваториясининг 5-курс толиби Ваҳодир РАҲИМОВ-га иккинчи ўрин, 1970 йил-да Қашқадарё вилояти Шаҳ-рисабз туманида туғилган, Тошкент Маданият техни-куми толиби Муртазо МУ-РОДОВГА учинчи ўрин на-сиб этди.

Ёшлар Иттифоқи ва ша-ҳар маданият бош бошқарма-сининг махсус «Умид» сов-



ринини 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Тошкент маданият техникуми толиби, дунё гузалликларини фақат-гина қалб кўзи билан кўра оладиган Иброҳим ҚАҲРА-МОНОВ ва 1966 йилда Тош-кент вилоятининг Тошкент туманида туғилган, 296-сон ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллими ШАҲЛОХОН ИБРОҲИМОВА олди.

Ўзбекистон Талабалар жағмари каси ҳам «Камолот —93» кўрик-танловига мах-сус мукофот тайёраган эканлар. Бу мукофот 1964

йилда Фарғона вилояти Мар-ғилон шаҳрида таваллуд тоғган, ҳозирда 1-Тошкент давлат тибобет олийгоҳи 6-курс толибаси Фотиҳахон АБЪАМОВГА тоширилди.

Ўзбекистон халқ артис-ти, бастакор Бахтиёр Алиев, Ўзбекистон халқ ҳофиз Ҳасан Ражабий, шаҳар ма-даният бошқармасининг бо-шлиги Саид Олимжонев, до-цент Р. Қосимов, шаҳар Қоқимнинг ўринбосари Шўх-рат Жалилов ва Республи-лика Ёшлар Иттифоқи коми-тетининг бўлим бошлиги Улуғбек Қўшқоровлар кўрик-танловга ҳакамлик қилдилар.

«Камолот—93» кўрик-танловини сўнида томошаби-ларга Ботир Зокиров хоти-расига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловнинг соврин-дори, Тошкент шаҳар кўри-сларининг толиби «Сўғдиёна» воқал-чолу дастаси бир жуфт қўшиқ икочо этдилар.

Дастури Сўрай Мулла-ева ва Олимжон Худойназа-ров олиб бордилар.

Мирза РАҲИМ.

СУРАТДА: кўрик-танлов-дан янаҳалар.

Виктор Багаев сураги.

ҚОЗОҚ МАКТАБИГА—ОЙБЕК НОМИ

ЎЗБЕК ва қозоқ халқла-ри ўртасидаги мустаҳкам дўстлик алоқалари узоқ ўт-мишга бориб тақалди. Ана шу тарихий замин бутунги кунда ҳар томонлама қўш-инчилик алоқаларини боғ-лашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай ҳамкорлик халқ таълими соҳасида ҳам тобора кенга-йиб бормоқда.

Қозонистоннинг Чимкент шаҳридаги 14-ўрта мактаб-да Ҳабиб Ёқубовлар деле-

гациясини тез-тез учратиш мумкин. Яқинда бир гуруҳ халқ таълими ҳодимлари ана шу намунали билим даргоҳида бўлиб, илгор пе-дагогик тажрибаларини ўр-ғиниб қайтардилар.

Бу сафарги мулоқот кат-та шодонага уланиб кетди. Гап шундан, маъруф билим ўчоғига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек номи бериш-га ақидил бир фикрга келин-ган эди. Ўша кун ана шу эзу-гунинг амалга ошди.

Мактабга сеvimли адиб Ойбек номи берилиш муно-сабати билан педгогик-жамоа ва юқори сифат ўқу-вчилари бадий қисм тайёр-лашган эди. Ушбу нечада Ойбек асарлари асосида тай-ёрланган бадий саҳналар ҳам кўрсатилади.

Шодонага ёзувчининг касбдошлари ва яқин қари-ндолари ҳам таклиф қилин-ди.

Ақбар АЛИЕВ.

* Олий ўқув юртларида Фидойилик ЗАРУР

РЕСПУБЛИКА Олий таълим вазирлигида бўлиб ўтган олий ўқув юртларининг тарбиявий ишлар бўйича мутасаддилари, факультетлар деканларининг ўрин-босарлари ва мураббийлари иштирокидаги учрашув ёшларда маънавий қадриятларни шакллантириш масала-ларига бағишланди. Йи-ғилишни олий таълим вазир-лигининг ўринбосари, Ўзе-бекистон Фанлар Академияси-нинг муҳир аъзоси Вах-тиёр Назаров бошқариб, шарҳона тарбия масалалари-га алоҳида тўхталди. Бу борада олий ўқув юртлари-да олиб борилиши лозим бўлган муҳим вазифалар тў-ғрисида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтининг про-фессори Ф. Насриддинов, Ҳамза номидан Академик Давлат театрининг дирек-тори Е. Аҳмедов, Тошкент Давлат университетини жур-налистика факультетининг тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосари, универ-ситет хотин-қизлар кенга-шининг раиси Н. Абдуазо-зова ва бошқалар ёшларни қомил инсон қилиб тарбия-лашда жамоатчилик ва му-раббийларнинг асосий ва-зифалари хусусида гапирдилар. Жумладан, университет хо-тин-қизлар кенгашининг ра-иси, доцент Н. Абдуазоова ўз сўзида қуйидагиларни гапирди.

— Ёшлар, талабалар тар-биясида умуминсоний ҳис-салларни шакллантириш му-раббийдан катта мажорат, машаққатли меҳнати талаб қилади. Ҳозирги давр му-раббийси аждодларимизнинг бой илмий, маданий ме-росини, ақл-заковатини, дунё-нинг ўнлаб илм-фан даҳо-ларининг жаҳон тараққиёт-даги бетакрор ўрнини тала-баларимизга маърифатли бир миллатнинг вакиллари сифатида қомил эътибор қилиш керак. У ҳамиша ўз устиди мутта-сил ишлаб, сависини кун сайин ўстириши, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши лозим. Қуруқ панд-насихат бериш-дан ҳоир ҳеч қандай нати-жа бўлмайди. Бунинг учун амалий ишга ўтиш даври келди. Бу борада бизнинг Тошкент Давлат универси-тетини мураббийлари тала-бига ишларни амалга ошир-дилар. Жумладан, шу ўқув йилининг ўзида талабалар орасида ўтказилган «Шар-қона ахлоқий фазилятлар», «Соғлом авлод — бизнинг келажакимиз», «Ўзгалар ва шогирдлар», «Маънавият — миллий фазилат» каби қатор тадбирларимиз ўзи-нинг юқори маъсулнинг бермоқда. Бир сўз билан айтганда келажак авлод манфаати, илм равиқи учун қилинадиган ҳар қандай иш, айниқса мураббийликда фи-дойилик зарур.

Йиғилишда олий ўқув юртларида тарбия ишлари-ни ривонлаштириш бора-сида муҳим вазифалар бел-гиланди.

Назира ҚУРВОН қиз.

ОТАШНАФАС шoir Набиҳон Нуриллаҳуға ўғли Чустий саксон йиллик умрида баъзан машаққат-ли кунларни бошидан кечирди. У бир тўртлигиди ўз дардини шун-дай изҳор этганди:

Мен ўйлаган нардимни,
Бидомайсан нардимни,
Мендан қулган, номардлар,
Тополмайсан нардимни.

Чустий домлани жону дилдан севган ва астойдил қадрлаган кишиларига унга ҳамдард бўли-шарди.

Мавлоно Чустийнинг ўйноқи, пушқинмақ газалларига кўндан бўён мафтун бўлиб юрган эсам-да, у кишини кўрмаганим, Тош-кент шаҳрининг Кўнча даҳасидида чойхонада ўтказилган мушора-да шoirни илк бор учратдим, тў-либ-тошиб ёддан ўқиган шеър-ларини неча ўнлаб шинавалда-лар қатори мафтун бўлиб тингла-дим.

Биз шoir Чустийнинг серма-во, ўйноқи газалларини қўшиқ қи-либ айтдик. Ушанда унинг асарлари Эронда ҳам тарқалган-ди. «Бевафо остонасига борма хор айлар сен», деб бошланади-ган газали, айниқса, машҳур эди. Кунларнинг бирда домла бил-дан маъкур газал ҳақида сўхбат-лашиб қолдик.

— Аввало шунини мамнуият билан айтишим лозимки, жумху-риятимиз раҳбарларидан бири бўлган Усмои Юсупов шoir ва санъаткорларни беҳад ҳурмат қи-лар, уларга маънавий ва моддий ёрдамлар кўрсатиб турарди. — дея сўз бошлаган эдилар домла. — Бу улуг инсон билан бирга бир қатор қурилишларда, халқ сайил-ларида иштирок этганимдан хур-садиман. Сиз эслатган газалга келсак, уни Усмои Юсуповнинг илтимосига кўра ёзганман.

— Сабаб? — сўрагандим у ки-шидан. — Ушанда, яъни уруш давом этиб турган оғир кунларда баъзан кўрқоқлар ёв томонга ўтиб кета-бошлаган эди. Усмои Юсупов ана шундан ташвишланиб юрган экан.

— Келинг, яна бир бор тинг-ланг, шoir Чустий аскар йигит-ларга қандай насихат қилади:

Бевафо остонасига борма, хор айлар сен,
Беркитиб дарвозасини, гиреку зор айлар сен,
Унга мағрурланма бўлса тил утида ошно,
Дўстларинг олдида бир кун шаринсор айлар сен.

Шу ўринда болалик кунларим-дан бир хотира ёдимга тушди. Улуг Ватан урушидан бурунги йилларда биз баҳордан кеч куз-гача Тошкентнинг Кўнча Оқтепа-сида бог ҳовлида яшардик. Қўр-ғонимиз атрофидаги боғлар ва экинзорлар жамоа хўжалигига қарашли эди. Кетмонларини кун тугида яраклатиб ишлаётган аа-мат йигитлар: «Бог аро қўйсам қадам» дея фигон қилиб ашула айтишарди. Вўзусу дарёси бўйла-ридан тепалик ва сойликларда мол боқиб юрган, биз болалар эса уни зақсанлиб эшитардик. Кейин билсам бу катта ашулани шoir Чустий ёзган экан.

1932 йилда ёзилган «Бог аро»нинг тарихи ҳақида домла шун-дай деганди:

— Юртимизда Эрка қори деган машҳур ҳофиз ўтган. Кунларнинг бирда шу киши менга бир банд шеър ўқиб бердилар, маъқул тушди. «Шунинг сиз давом эттир-сангиз», — илтимос қилдилар мендан, рози бўлдим. Ашула тез орада оғиздан оғизга ўтиб жуда машҳур бўлиб кетди.

«Бог аро» халқ ҳамон ҳофиз-лар тилидан туггани йўқ. Лекин негидир уни домларнинг ўзлари ҳаёт пайтларида чиққан китобла-рида учратмадим.

Хонанда ва соҳналарда Чустий домларнинг энг яқин кишилари

эдилар. Ака-ука Шоқосим, Шо-олим, Шоақбар Шожадилловлар, машҳур ҳофизлардан Жураҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Маъруфхўжа Баҳодиров, ака-ука Бобохон ва Акмалхон Сўфихоно-лар, Расулқори Мамадалиев, Ка-молиддин Раҳимов, Неъматжон Қўлабуллаев ва бошқа санъат-корлар давраида катта-катта йи-ғиларда, тўйларда иштирок эт-ганларнинг гувоҳи бўлганман.

Мавлоно Набиҳон Чустийнинг «Ҳаётнома» девонларида «Қум-ри» сарлавҳали газал бор. «Янги-қўрғон район ҳашаматли қошона ичидида бир жуфт сайроқи қум-рига бағишланган газал» деб изоҳ ёзган эканлар устоз. Газалини синчковлик билан ўқиган ҳар бир киши Камолиддин Раҳимов та-шаббуси ила ажойиб сўхбат таш-кил этилганини, унда Чустий дом-ла ҳам иштирок этиб, кўп мам-нун бўлганларини пайқаб олади. Унутилмас сўхбатнинг тарихини шoir шундай баён айлайдилар:

* Ёдномалар «ПОК ДИЛЛАР ЕНГАДИ...»

Мингу тўққиз юзу ҳам етмиш олтинчи йилу апрель,
Энди ўн саккизинчи ушбу тарих ўқимиз, қумри.
Камолиддинга раҳматлар деди, Чустийга ўртоқлар,
Ўзингдек сайратиб қўйдинг омон бўл, офарин, қумри.

Шу ўринда машҳур хонанда Камолиддин Раҳимов билан боғ-лиқ бир хотирани сўзлаб ўтишни лозим кўрдим. 1975 йилнинг май ойи эди. Тошкент шаҳри яқинида-ги катта ҳовлида ўтказилган ни-коҳ кечасида одам жуда кўп бўл-ди. Чустий домла, шoir Жоноиб Қўноқов, Камолиддин Раҳимов хонанда Йўлдош Муллабоев ҳам тўйга фазл кийриди. Шунинг ди-ққатга сазоворини, Камолиддин Ра-ҳимов ўзига навбат берилганда фақат Чустий газалларини қўшиб қуйлади. Чустий домла билан Жоноиб Қўноқов ўзбек ва тожик тилиларида газаллар ўқирди.

Бундан бир неча йил муқад

1942 йил Улуғ Ватан урушининг дахшатлари Фарғона водийсидаги Марғилон шаҳри хонадонларида ҳам ақсо-садо берарди. Худди шу кезларда Умидовлар хонадонига муҳаббат хабар — «қора хат» келди. Ақаси Мақсуджон беақд қурбон бўлган. Илҳам фабрикасида ўсмир ҳисобида ишлаётган 17 ёшли Мақсуджоннинг қалбига душмандан ақаси учун ўқ олиш ҳисси туғён урди. У тўғри ҳарбий комиссариатга борди.

— Ақам учун ўқ оламан, қарорим қатъий, — деди у ҳарбий комиссариатдагиларга қўлларини мушт қилиб.

1942 йилнинг 7 июнь кунини марғилонлик йигит тушган поезд фарб томон йўли олди. У уруш дахшатини Курск — Орёл фронтда ўз бошидан кечирди. Фахратон ўқни. Туғилган соғуқ 40 даражача борди. 1943 йил август ойларининг бошларида Белгород шаҳри гитлерчилардан тазаланди. Мақсуджон Украина ерларини деярли яёв босиб чиқди. Винница аэропортида лардор бўлди. Ҳаёт яхши одамлар билан ҳар қандай шароитда гузаллигича қолди. Жангчиларнинг ярасига бир камтар малҳам қўйди. Худди ўз фарзанди каби оқ ювни, оқ тарани.

— Ўғлим ҳам сен каби фронт-

да, — деди девордаги ёш украин йигити суратига ишора қиларкан. Орадан 29 кун ўтгач, жангчилар госпиталга олиб кетишди. Июль ойида Мақсуджон Умидов яна қайта жангга кирди.

* Жасоратнома

Ўқ

— Львов вилоятининг Злочева шаҳрида бўлган дахшатли жанглар ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, — деб ҳикоя қилди. Мақсуджон Умидов. Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ақали етган ўлади, деб бежиз айтишмаган экан. Шу ерда кўпласи қуролдошларим ҳалок бўлишди. Мен ҳаёт қолдим. Жангчиларимиз Юлша тупроғига қадм қўйишди. Германия, Чехославкия учун бўлган жангларда иштирок этдим. 1945 йил 7 май кунини яна лардор бўлидим. Ўзоқ вақт госпиталларда даволангач, 1947 йил май ойида она шахрим Марғилонга келдим. Тошқоқ туманида ишлай бошладим. Орадан

3 ой ўтгач, Тошқоқ туман комсомол комитетига қаҳриб қилишди. — Тошкентга борасиз, сизни кўча ҳаракати хавфсизлигига ишга юборамиз, — дейишди.

— Ўзим тенги беш йигитни бошлаб Тошкентга келдим, — дея ҳаёлга чўмди отахон.

Эҳтимол, у шу аснода Тошкентга келган дастлабки кунларни, шаҳар ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига қарашли 27 нафар хотин-қизлар ёзвотида бошчилик қилган, шаҳар жиноий-қўриқрув бўлимида ишлаган кезларни, марҳум Турдихон ая билан тайинланган бахтли кунларни эслаётгандир...

— Ҳа, умр оқар сув экан, — дея сўзини давом эттириб отахон, — Турдихон аянғиз билан 3 қиз, 2 ўғилни воёга етказдик. Қўша-қўша набиралар бобосиман. Давлатимиз биз қарияларга меҳр-шафқат кўрсатапти. Шу кунларга етиб келганимга шукроналар айтаман. Илоҳим юртимизда тинчлик барқарор бўлсин. Ҳар бир хонадонга хурсандчилик, бағри бутулиқни ато этсин.

Махшур Мирзамухамедова.

ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

РЕСПУБЛИКА Давлат божхона комитети биносида ушбу хизмат идоралари бошқармалари таркибининг қасамёд қилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари ҳам қатнашиб, улар республика

Президентига ва халққа садоқат билан хизмат қилишга, республика Конституцияси ва қонунларини муқаддас деб билишга, божхона хизмати Низоми талабларини сўзсиз бажаришга, виждонли, ҳушёр ходим бўлишга, ҳар қандай қийинчиликлар чидам ва матонат билан

бардош беришга, давлат манфаатлари ва иқтисодий хавфсизлигини сабот ва мардлик билан ҳимоя этишга ҳамда хизмат давомида бошқа эзгу омилларни ўзларида мужассамлаштиришга қасамёд этдилар. Анжуманда республика Давлат божхона комитетининг раиси,

милиция генерал-майори Ураим Абдуғаниев иштирок этди.

Даврон НУРМАТОВ. СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг бошқармачи таркиби тантанали қасамёд қилишда.

Мухаммад Амин сураати.



ПОИТАХТ миллияни ходимлари бор куч-маҳоратларини, бутун имкониятларини ишга солиб, халқимиз оқилолтигини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ўзининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бож бошқармаси жиноятчилигининг олдини олиш бошқармасининг бошчилиги, миллияни подполковниги Шарифхон Умархонов билан суҳбатимиз ҳам шу масала ҳусусида бўлди.

— «Ҳар қандай дардин даволадан кўра унинг олдини олишнинг марта афзал», дейишди. Сизларга ҳам шундай масъулият юклатилган...

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам дардин даволадан кўра олдини олиш ҳаракатига қаттиқ киришиш, бунга кўпроқ эътиборни қаратиш ниятда зарур. Бунда бир умрга дардиннинг асорати қолиши ва бемора қўрилиб бутун яқинлари ҳам азият чекишларига йўл қўйилмайди.

Жиноятчилик эса ҳар қандай дарддан ҳам ёмонроқ ва хавфлироқдир. Дард бўлганда ҳам иродаси, меҳри бўлмаган, мустақил фикрлай олмайдиган, тўғри ҳулоса, мулоҳаза юрита олмайдиган ҳар қандай одамга юқиб, ҳаётда ўз йўлини топиб улгурмаган ёшларни гафринсонийликка бошлаш мумкин бўлган ўта юқумли дард. Уни вақтида жидолаб олмасангиз кўпларнинг бошига етиши, катта нохушликларни келтириб чиқариши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бунинг учун қандай чоралар қўрилимоқда?

— Бизнинг хизмат вазифаларимизга ушбу чораларнинг иштини ташкил этиш, воёга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ишлари. Шуларга иқтисодлашган бўлишимиз бор. Туман Ички ишлар бошқарма ва бўлимларида бўлиб-қолган бўлиб, улар ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида иш юритиб келишди. Биз бунда асосан жамоатчилик кучига таянаман. Шу босидан ҳам маҳаллаларда, турли қорхона, муассаса ва ташкилотларда тез-тез учрашувлар ўтказиб, ўзаро ҳамкорликни мумкин қадар яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ишига бир тану бир жон бўлиб киришишга асосий эътиборин қаратамиз.

— Бундай ҳамжиҳатликда иш юритишнинг натижалари қандай бўляпти?

— Шу ўринда рақамларга, аниқ расмий маълумотларга мурожаат этган маълумот. Маана, ўтган 9 ойини олиб қарайдиган бўлсан, ушбу чораларнинг томонидан оқилан жиноятлар ва маъмурий жавобгарликка тортилган ҳуқуқбузарлар сони бирмунча ортган. Буларнинг орасида маст ҳолда турли ноқулай ишларга қўл урганлар, беорилик, талон-тарож, ўғриликнинг кичик турлари билан жавобгарликка тортилганлар, чай-

қовчилик ёки ахлоқий бузуқлиги учун тегишли чора қўрилганлар бор. Шунингдек, оғир жиноятчиликнинг фойда этилиши, хавфли жиноятчиликнинг қўлга олиш, босқинчи-зўравонларга қарши курашда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Воёга етмаган болалар билан ишлаш бўйича фаолият кўрсатаётган ходимларимиз томонидан эса ёшлар орасидаги жиноятчиликнинг моҳияти, сабаблари чуқур ўрганилиб, жамоатчилик фикридан ҳулоса чиқарган ҳолда унинг олдини олиш чора-тадбирлари қўлланилиши натижасида деярли ҳамма туманда жиноятчиликнинг содир этилиши камайишга эришилди. Яъни 9 ойда воёга етмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар пойтахтимизда сезиларли даражада камайган.

* Жиноятчиликни жидолаш учун

ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

Ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликка қарши кураш хизмати ходимлари томонидан бўлса 706 беҳаё, бебурд шахслар қўлга олинган тегишли жавобгарликка тортилди. Булардан 566 таси енгил табиатли аёллар, улардан 32 нафари балоғат ёшига етмаган, 76 таси фоҳишалар билан шугулланувчи, 96 таси бағлиликка ашаддй берилганлар бўлиб, уларнинг орасида ҳам воёга етмаганлари бор.

Булар албатта бевосита ходимларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳисобланади. Бироқ бу ишлар ҳам ҳамкорликнинг қисман бўлса-да, таъсири бор. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари турли танбех, қойишлар билан кўпларни тарбияга қақришляпти. Керак бўлганда ушбу чораларнинг ёрдамига қақрийдиган, ёки бирга олиб юрадиган бўлишляпти.

— Шарифхон ака, келажакда жиноятчилик юз бермаслиги ва ҳуқуқий давлат барпо этилиши учун ёшларни тўғри йўлга бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса умумий жиноятчиликнинг олдини олишнинг ҳам энг яхши йўлидир, усулларидан ҳисобланади. Шундай экан, айтиш-чи, ўсмирларнинг ёмон йўлга киришига қандай омиллар таъсир қилмоқда?

сабаб бўлмоқда ва буларнинг олдини олиш учун яна нимага кўпроқ эътиборни қаратиш лозим бўляпти?

— Бир сўз билан айтганда буларнинг ҳаммаси тарбияга бориб тақалади. Айтмоқчиманки, бола тарбиясига энг катта таъсир этадиган ота-онанинг муносабати ҳисобланади. Маҳалла-қўй, қўни-қўшниларнинг таъсири ҳам катталикка каттаю, аммо булар ҳаммаси қисман, бориға қўшимча ёки акс таъсир тарбия бўлиши мумкин. Маана, яқинда бўлган бир воқеа: Сергели туманида яшайдиган бир аёл эри билан ўзоқ вақт арабашлик юрди-да, болаларининг тарбиясига ҳам, юриш-туришига ҳам қарамай қўйди. Ота бўлса боши оққан томонда, ўз ташвиши билан ўз овори. Бир кун 9 яшар боласи «Фарҳод» бозорининг ёнида турган катта автобусни ҳайдаб қочган. Шаҳарнинг қўқ ўртасида 15 дақиқа ҳайдагач зўрга тўхтатиб автобусдан тушириб олишимизга тўғри келди. Ўша бола ҳуқуқий ёмонлиги туфайлигина автобусни ҳайдаб қочган. Ўша вақтларда мактабга бормай дарсларда қатнашмай юрган вақтлари кўп бўляётганди. Мактаб маъмурияти ва бизнинг ходимларимизнинг савий ҳаракатлари билан дарсларга қатнашиб турса-да ўқига ҳафсаласи бўлмаётганди, ҳуқуқий ёмонлигича юрганди. Ота-онаси ярашгач, улар ҳам бола тарбиясига эътиборни қучайтиришди. Маана, ҳозирги кунда у яхши баҳоларга ўқияпти, ҳуқуқий ҳам чакки эмас. Яхшиямки, автобусни ҳайдаётганида бирор жойга урмади, одамларни босиб туриб умрларига зомин бўлмади. Чунки биргина ўйламай-нетмай қилинган иш қанчадан-қанча нохушликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин эди.

— Маана, гапимиздан ҳам кўриниб турибдики, болаларни яхши тарбиялаш учун ҳам аввалданоқ уларнинг ота-онанинг ҳуқуқий бузалмаслиги, ўзлари ёмон йўлга кириб болаларига ҳам ноқуш таъсирларини ўтказмасликларининг ҳаракатида бўлиш керак экан.

— Ҳа, албатта. Сўнгги вақтларда одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига бўлган ҳурмат-муносабати қайта шакллантириш ва қучайтириш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилди. Булардан албатта ҳамма хабардор. Шулар қаторида маана ўтган йили май ойларида миллияни таркибиде, анжироги жиноятчиликнинг олдини олиш бошқарма ва бўлимларида ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ҳам ташкил этилди. Ўйлайманки, келгусида бундай ишлар янада яхшилана боради.

Суҳбатдош

Абдураҳим ХАЛИЛОВ.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1993 йил 1 декабрдан бошлаб

ХАЛҚАРО ВА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН ВА ТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ УЧУН ЯНГИ НАРХЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН ВА ТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЯНГИ ТАРИФЛАР:

Марказий Осиё давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон)

Бир минутлик сўзлашув нархи: аҳоли учун — 75 сўм, корхона учун — 150 сўм.

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 16 сўм, поштинич — 48 сўм, корхона учун оддий — 32 сўм, поштинич — 96 сўм.

РОССИЯ, УКРАИНА, БЕЛАРУСЬ, МОЛДОВА, АРМАНИСТОН, ГРУЗИЯ, ОЗАРБАЙЖОН

Бир минутлик сўзлашув нархи: аҳоли учун — 125 сўм, корхона учун — 250 сўм.

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 24 сўм, поштинич — 64 сўм, корхона учун оддий — 48 сўм, поштинич — 128 сўм.

ЕВРОПА (шу жумладан Латвия, Литва, Эстония). Бир минутлик сўзлашув нархи: аҳоли учун — 1800 сўм, корхона учун — 3600 сўм.

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 200 сўм, поштинич — 400 сўм, корхона учун оддий — 400 сўм, поштинич — 800 сўм.

Бир минутлик сўзлашув нархи:

аҳоли учун — 2200 сўм, корхона учун — 4400 сўм.

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 300 сўм, поштинич — 600 сўм, корхона учун оддий — 600 сўм, поштинич — 1200 сўм.

АФРИКА, АМЕРИКА

Бир минутлик сўзлашув нархи: аҳоли учун — 2500 сўм, корхона учун — 5000 сўм.

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 300 сўм, поштинич — 700 сўм, корхона учун оддий — 600 сўм, поштинич — 1400 сўм.

АВСТРАЛИЯ

Бир минутлик сўзлашув нархи: аҳоли учун — 3000 сўм, корхона учун — 6000 сўм.

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 300 сўм, поштинич — 700 сўм, корхона учун оддий — 300 сўм, поштинич — 1400 сўм.

ШАҲАРЛАРАРО (республика ичиде) ТЕЛЕГРАФ ВА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЯНГИ ТАРИФЛАР

Телеграммадаги битта сўз нархи: аҳоли учун оддий — 10 сўм, поштинич — 40 сўм, корхона учун оддий — 12 сўм, поштинич — 45 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ

ТОШКЕНБОН ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Хадра майдони)

1993 йил 25 декабрдан 1994 йил 10 январгача Мактаб йўқувчиларининг қишки таътил кунларида

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚОРОВО, ҚОРҚИЗ, ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ, ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ШИРДЛАСТУРИ ВА ЭРТАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ҚАТНАШАДИЛАР. ТОМОШАЛАР: 25, 26, декабрда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да; 27, 28, 29 декабрда соат 12.00 ва 14.00 да; 30, 31 декабрда соат 16.00 да; 1 январдан 9 январгача соат 16.00 да; 10 январда соат 10.00 да; 10 январда соат 12.00 ва 14.00 да ВОШЛАНАДИ. БИЛЕТЛАР 18 НОЯБРДАН ВОШЛАВ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ПУЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ. Қишлоқ томошабинларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. ОММОВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАВУЛ ҚИЛИНМОҚДА. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91. Касса соат 9 дан 18.00 гача ишляйди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА МАЛАКАЛИ МУХБИРЛАР КЕРАК. МАНЗИЛҲОҲИМИЗ: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 226-хона. Телефон: 33-57-02.

Бир минутлик сўзлашув нархи:

Йўналишлар (вилоятлар)	аҳоли учун сўм ҳисобида)	корхона учун сўм ҳисобида)
Андижон	25	50
Бухоро	40	80
Ҳисзах	25	50
Қорақалпоқ	40	80
Қашқадарё	40	80
Навий	40	80
Наманган	25	50
Самарқанд	25	50
Сурхондарё	40	80
Сирдарё	25	50
Тошкент	25	50
Фарғона	25	50
Хоразм	40	80

ЎЗБЕКИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ҚИРГИЗИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, РОССИЯ, УКРАИНА, БЕЛАРУСЬ, МОЛДОВА, АРМАНИСТОН, ГРУЗИЯ, ОЗАРБАЙЖОН бўйлаб икитизли тариф — ҳафтанинг иш кунлари маҳаллий вақт билан соат 00 дан 06.00 гача, дам олиш ва байрам кунларида эса — кечаю кундуз давомида сўзлашув умумий баҳосининг 75 фоиз ҳажмида амал қилади.

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ (шу жумладан, Латвия, Литва, Эстония), ОСИЕ, АФРИКА, АВСТРАЛИЯ, АМЕРИКА билан халқаро телефон сўзлашувлари учун сўзлашув умумий қийматининг 75 фоиз ҳажмида белгиланган икитизли тариф ҳафтанинг барча кунларида соат 00 дан 06.00 гача амал қилади.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙўНАЛИШЛАР БИЛАН ТЕЛЕФОНИСТ ОРҚАЛИ СўЗЛАШГАНДА СўЗЛАШУВ НАРХИ ИККИ МАРОТАБА ҚИММATЛАШАДИ.

Олис чет эл мамлакатлари билан халқаро телефон сўзлашув учун буюртмалар 061 телефони орқали қабул қилинади.

ТЕЛЕГРАММАЛАР: аҳолидан 44-39-21 телефони орқали,

муассасалардан: 44-50-58, 44-35-44 телефонлари орқали қабул қилинади.

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДА ЯНГИ ЙўНАЛИШЛАР ОЧИЛДИ:

Йўналишлар	Код	Маълумотлар бериш бюроси (32222)
Кемерово	38422, 3842	9909111

ТУМАН МАРКАЗЛАРИ

Анжиро-Судженск	38453	22643
Белово	38452	21869
Верезовский	38445	21461
Киселевск	38464	65555
Гурьевск	38463	22999
Ленинск-Кузнецкий	38456	22099
Ижморский	38459	21573
Верх-Чебула	38444	21292
Маринск	38443	22323
Междуреченск	38475	25252
Миски	38474	24011
Новокузнецк	3843	40911
Осинники	38471	24435
Прокопьевск	38466	36112
Промышленная	38442	61370

ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ

Қарашина	37561	—
Майкоп	7877+22	23633
Сургут	—	—
(Тюмень вилояти)	34622+ №АТС.	—

Самарқанд шаҳридан тўғри чиқиш тартибини эслатиб ўтаемиз:

КОД 366 + 2 + № АТС.

МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси бўйича 44-39-31;

телеграф алоқаси бўйича — 44-30-53, 44-60-06.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕГРАФ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Пулнинг қадрсизланиши ва молжавий барқарорлик бўлмаган даврда, Сизга ўз пул воситаларининг ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг тавсия қиламиз, бу билан Сиз уларни йўқотишдан ўзингизни муҳофаза қилган бўласиз, чунки тайёр маҳсулот доимо қадрлидир.

ТАШКИЛОТ

пул ўтказиш йўли билан пластикол ва пластмассанинг бошқа турлари (болалар ўйинчоқлари — 16 хил, брелоклар, уй-ўзгор буюмлари ва бошқалар)ни ишлаб чиқараётган

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК КОРХОНАНИ

СОТАДИ

Корхона имкониятлари тўғрисидаги тулиқ маълумотларни 45-85-50, 45-88-64 телефонлари орқали ҳар кунини (шанба ва яқинбадан ташқари) соат 10 дан 18.00 гача олишнинг мумкин.

ШАРТНОМА ТУЗИШ УЧУН УЧРАШУВГА МАВЛАФ БОРЛИГИ Тўғрисида БАНК КАФОЛА